

# Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ ва Муҳаммад Аллоҳнинг Расулидир

08:30 / 08.04.2018 4133

Яна у кишидан ривоят қилинади:

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

**«Одамлар «Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ ва Муҳаммад Аллоҳнинг Расулидир», деб шаҳодат келтирмагунларича, намозни тўқис адо этмагунларича ва закотни бермагунларича, уларга қарши жанг қилишга буюрилдим. Шунини бажаришса, қонлари ва молларини мендан асрабдилар. Фақат Ислом ҳаққи мустаснодир. Ҳисоблари эса Аллоҳнинг зиммасидадир», дедилар».**

**Изоҳ:** Ҳадисда айтилган «Аллоҳнинг ҳаққи» деганда қасос ва бошқа шу каби айрим шаръий жазолар назарда тутилган.